

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сонли
Инновацион фаолиятни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тугрисида
МАЪЛУМОТ**

№	Қарорнинг банди*	Амалга оширилган ишлар**
1.	<p>1 – банди Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг:</p> <p>«Яшнобод» инновацион технопарки дирекцияси» ДУКни (кейинги ўринларда Дирекция деб аталади) Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфидан чиқариб, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги тузилмасига ўтказиш ва уни Дирекциянинг таъсисчиси этиб белгилаш;</p> <p>Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) томонидан маҳаллий илмий ишланмаларни жорий қилиш ва тижоратлаштиришни кўзда тутадиган илмий стартапларни грант ёки фойсиз қайтариш асосида биргаликда молиялаштириш, бунда инвесторларнинг ўз маблағлари билан иштироқи инвестициялар суммасининг 30 фоизидан кам бўлмаслиги тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.</p>	<p>Инновацион ривожланиш вазирининг 2018 йил 15 сентябрдаги 381-сонли буйруғига асосан Яшнобод инновацион технопарки Дирекциясининг” ДУКнинг раҳбари тайинланди;</p> <ul style="list-style-type: none"> - Дирекциянинг мол-мулки инвентаризация қилинди ҳамда унинг товар-моддий бойликлари тўғрисидаги Далолатнома белгиланган тартибда тасдиқланди; - белгиланган тартибда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ўртасида Дирекцияни топшириш ва қабул қилиш Далолатномаси тасдиқланди; - Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани Мажнунтол кўчаси 5 уй манзилида жойлашган Дирекциянинг бино-иншоотларига кадастр хужжатлари расмийлаштирилди. - Ўз-ўзини таъминлашга асосланган устувор СТАРТАП-лойиҳаларининг танлаб олиш ва молиялаштириш бўйича танловига “Қонни биокимёвий таҳлил қилиш учун диагностик тўпламларни шакллантириш ва ишлаб чиқариш” стартап лойиҳаси топширилди, ҳозирда лойиҳа кўриб чиқилмоқда.
2.	<p>2 – банди Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги:</p> <p>а) икки ҳафта муддатда Дирекциянинг янгиланган устави, тузилмаси, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш разрядлари, штат жадвали ва харажатлар сметасини белгиланган тартибда тасдиқласин;</p> <p>б) икки ой муддатда:</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда «Яшнобод» инновацион</p>	<p>а) Дирекциянинг янгиланган Низоми тасдиқланди ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказилди;</p> <ul style="list-style-type: none"> - белгиланган тартибда Дирекциянинг янгиланган низоми “Ягона дарча марказида” рўйхатга олинади; - Дирекциянинг 2018 йилнинг I-IV чорагида смета харажатлари тасдиқланди ва унга мувофиқ 9 ой мобайнида Дирекция ходимлари учун иш ҳақи ва бошқа мавжуд бўлган қарздорликлари бўйича тўловлар амалга оширилди; - Дирекция ходимларининг иш режаси тасдиқланди; - «Яшнобод» инновацион технопарки тузилмасида илмий ва инновацион лойиҳаларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш учун

	<p>технопарки тузилмасида илмий ва инновацион лойиҳаларни тижоратлаштиришни қўллаб-қувватлаш учун бизнес-инкубатор ташкил қилсин;</p> <p>манфаатдор идоралар билан биргаликда 2018-2019 йиллар мобайнида Технопарк худудида илмий лабораториялар, конструкторлик бюrolари, консалтинг ва маркетинг ташкилотлари, ўқув марказлари ва бошқа хизмат кўрсатиш тузилмалари ташкил этиш бўйича кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш кўзда тутилган ҳолда «йўл харитаси» ишлаб чиқсин;</p>	<p>бизнес-инкубатор ҳамда илмий лаборатория, конструкторлик бюро, консалтинг ва маркетинг ташкилоти, ўқув маркази ва бошқа хизмат кўрсатиш тузилмалари ишлаб чиқариш майдонлари мавжуд бўлмаганликлари учун ташкил этилмаган.</p> <p>б) Илғор технологиялар марказининг 2018 йил 20 августдаги 39- ва 40-сонли буйруқларига кўра юқори технологик кичик компаниялар учун инновацион стартап-акселератор и стартап-инкубатор яратилди.</p> <p>Юқори технологик кичик компаниялар учун инновацион стартап-акселератор и стартап-инкубатор Илғор технологиялар маркази тузилмасига киритилди. Илғор технологиялар маркази тузилмаси ўзгаритиришлар билан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тасдиқлаш учун киритилган.</p> <p>Юқори технологик кичик компаниялар учун инновацион стартап-акселератор и стартап-инкубатор фаолияти тўғрисидаги низом ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.</p> <p>6 ойлик акселерация дастури амалга оширилди. 60 нафар ёш олим ва мутахассислар, олий таълим муассасалари талабаларидан ташкил топган 20 та жамоа учун Марказ лабораторияларида ишлаш ҳамда етакчи маҳаллий ва хорижий менторлар, трекерлар ва спикерлар иштирокида тренинглари ўтказиш имконияти берилди.</p> <p>Молиялаштириш Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йил 18 декабрдаги 455-сонли буйруғи).</p> <p>2018 йилнинг ноябр ойида Марказий Осиё ва Ўзбекистонда биринчи мартта акселерация иштирокчилари учун АҚШ элчихонаси кўмагида GIST (фан ва технологиялар орқали глобал инновациялар) илмий ишланмалар билан боғлиқ бўлган ёш стартап компаниялар учун минтақавий стартап тренинглари ўтказилди. Дастурнинг спикер ва тренерлари АҚШнинг тадбиркорлик, инвестициялар, инновацияларни бошқариш соҳасидаги мутахассисларидан ҳисобланади.</p>
3.	<p>3 – банди</p> <p>Белгилаб қўйилсинки: лаборатория асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш майдонлари ва офис хоналари Илғор технологиялар маркази</p>	<p>Ҳозирги вақтда акселератор иштирокчиларига лаборатория ускуналари, ишлаб чиқариш майдонлари ва офис хоналари бепул тақдим этилади. 2019 йил апрел ойида акселерациянинг биринчи босқичи тугагач акселерация дастурини муваффақиятли яқунлаган жамоалар тегишли</p>

	<p>резидентларига ижарага 2 йил муддатга, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда 5 йилгача узайтириш ҳуқуқи билан тақдим этилади;</p> <p>Илғор технологиялар маркази резидентларига тақдим этилган ишлаб чиқариш майдонлари ва офис хоналарининг ижара тўлов ставкалари давлат кўчмас мулкидан фойдаланиш учун белгиланган энг кам ижара ҳақи ставкаси миқдоридан, коэффицентлар оширилиши қўлланмаган ҳолда белгиланади;</p> <p>лаборатория асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш, офис хоналари ва бошқа хоналарнинг ижараси учун резидентлардан келиб тушадиган маблағлар истисно тариқасида, тўлиқ ҳажмда Илғор технологиялар маркази тасарруфида қолади.</p>	<p>имтиёزلарни қўлга киритган ҳолда Марказнинг резиденти мақомини олади.</p> <p>Илғор технологиялар марказининг резиденти мақомини олгандан сўнг амалга оширилади</p> <p>Илғор технологиялар марказининг резиденти мақомини олгандан сўнг амалга оширилади</p>
4.	<p>4 – банди</p> <p>Илғор технологиялар маркази резидентлари 2022 йил 1 январгача бўлган муддатда: ер солиғи, фойда солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва ягона солиқ тўловидан;</p> <p>Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ва белгиланган тартибда тузиладиган рўйхатлар бўйича инновацион лойиҳаларни амалга ошириш доирасида шахсий эҳтиёжлар учун хориждан келтириладиган асбоб-ускуна, хомашё, материаллар, реактивлар ва бутловчи буюмлар учун божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод қилинсин.</p>	<p>Тошкент шаҳар Олмазор тумани Давлат солиқ инспекциясига (2018 йил 21 ноябрда 12//239-сонли) сўровнома юборилди ва 2018 йил 13 декабрда 07-26254-сонли хатда олинган маълумотларга кўра Илғор технологиялар маркази резидентлари ВМнинг 2018 йил 11 сентябрдаги 721-сонли қарори 4-бандида кўзда тутилган солиқ ва бошқа имтиёزلарга эгадирлар.</p>
5.	<p>5 – банди</p> <p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси</p>	<p>5-6 – бандлар</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2</p>

	<p>Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари ва Технопарк қурилиши учун ҳудудларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида, инвесторга қурилаётган ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий бинога мулкчилик ҳуқуқини, шунингдек, ер майдонини узоқ муддатга ижарага бериш ҳуқуқини берган ҳолда Дирекцияга ажратиш бўйича таклиф киритсин.</p> <p>6 – банди</p> <p>Белгилансинки, Тошкент шаҳрида инновацион лойиҳаларни амалга ошириш учун Технопарк резидентларига ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида Технопаркни қуриш учун Дирекцияга ер майдонлари ажратиш, истисно тариқасида, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг тақдимномаси бўйича амалга оширилади.</p>	<p>сентябрдаги 686-сон қарорининг 3-бандига асосан амалга оширилади “Тошкент шаҳридаги Яшнобод тумани комплексини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” “Янгиобод Ихтисослаштирилган бозори” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини янги манзилда қайта ташкил этиш кўзда тутилган. «Янгиобод Ихтисослаштирилган Бозори» МЧЖ биносини ва объектларини “Яшнобод” инновацион технопаркиннинг ДУК Дирекциясини тезкор бошқариш ҳуқуқи бўйича тенг улушга ўтказилиши белгиланган.</p> <p>Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов томонидан тасдиқланган 2017 йил 6-ноябрдаги 130-сонли баённомага мувофиқ, “Янгиобод Ихтисослаштирилган Бозори” МЧЖнинг Тошкент вилоятига қайта жойлаштириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш режалаштирилган.</p> <p>Бироқ бугунги кунга қадар, “Янгиобод Ихтисослаштирилган Бозори” МЧЖ қайта жойлаштириш, шунингдек, озод қилинган ҳудудни “Яшнобод” инновацион технопарки дирекцияси ДУКнинг оператив бошқаруви учун қайта жойлаштиришдан ўтказиш тугалланмаган.</p> <p>Бундан ташқари, мазкур қарорнинг бандларида белгиланган яъни бўш турган ишлаб чиқариш майдонлари ва Технопарк қурилиши учун ҳудудларни, шу жумладан давлат-хусусий шериклик асосида, инвесторга қурилаётган ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий бинога мулкчилик ҳуқуқини, шунингдек, ер майдонини узоқ муддатга ижарага бериш ҳуқуқини берган ҳолда Дирекцияга ажратиш бўйича таклиф Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан таклиф берилган.</p>
6.	<p>7 – банди</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда давлат-хусусий шериклик асосида инновацион технопаркларни қуриш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг тасдиқланишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрласин ва Ўзбекистон Республикаси</p>	<p>Давлат-хусусий шериклик асосида инновацион технопаркларни қуриш ва уларнинг фаолиятини ташкил қилиш тартиби тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳаси ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига 2018 йил 10 ноябрда киритилган (<i>хат № 03-13/5083</i>)</p>

	Вазирлар Маҳкамасига киритсин.	
7.	<p>8 – банди Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига Технопарк ва Илғор технологиялар маркази резидентларининг инновацион лойиҳаларини, шу жумладан резидентларга хизмат кўрсатадиган тижорат банклари орқали кредит линиялари очиш йўли билан имтиёзли кредитлашни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш тавсия этилсин.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси Технопарк ва Илғор технологиялар маркази резидентларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш учун бериладиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича кафилликлар ва компенсациялар тақдим этилишини таъминласин.</p>	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига “Яшнобод” инновацион технопаркига ҳамда унинг резидентларига инновацион лойиҳаларини татбиқ этиш учун, шу жумладан резидентларнинг хизмат кўрсатадиган тижорат банклари орқали кредит линиялари очилмаган ва имтиёзли кредитлашни кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар кўрилмаган. (2018 йил 9 ноябрдаги 01-58/5069-сонли хат).
8.	<p>10 – банди Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Технопарк, Илғор инновациялар маркази ва уларнинг резидентлари фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин.</p>	2018 йил 26 сентябрдаги 9/128-сонли хатга жавобан «CAT Science Accelerator» акселератор фаолияти тўғрисидаги реклама ролиги Ўзбекистон телевидениесининг 4 та каналида кунига 3 маҳал намойиш этилди.

Изоҳ

*ижро қилинмаган бўлса сабаблари кўрсатилиши керак.

**тасдиқловчи ҳужатлар илова қилиниши лозим.